



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2007 йил 11 декабрь, № 244 (4397)

Сешанба

Мамлакатимизда муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси қизгин давом этмоқда. Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Исом Каримов 10 декабрь куни Наманган ва Андижон вилоятлари сайловчилари билан учрашди.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ

Наманган. Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Наманган округ сайлов комиссияси раиси К. Абдуллаев очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг қўлмали иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни изчил давом эттириш, демократияни мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкни камайтириш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни кенг жорий этиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учрашувда Исом Каримов нутқ сўзлади. — Наманган вилояти мамлакатимиз тараққиётида ўзига хос ўрин тутади. Норин ва Қордарё шу заминда бирилашиб, асим Сирдарёга айланади. Икки дарё туташган ерда тўқин-сочинлик, қутбарак мўл бўлиши азалдан маълул, — деди Исом Каримов.

Вилоят юксак иқтисодий ва ижтимоий салоҳияти билан ҳам мамлакатимиз ҳаётида алоҳида ўринга эга. Бу ердаги «Ўзбекистон — Нестле», «Golden Silk», «Марвел — Жус» сингари йirik санат корхоналарида ишлаб чиқариш самардорлиги ортб бормоқда. Етиштирилган пахта ҳосилининг 30 фоизи вилоятнинг ўзида қайта ишланаётган бўлса, яқин келажақда бу кўрсаткич 50 фоизга етиши кўзда тутилган. Наманган аэропортидаги реконструкция ишлари ниятда етказилди. Барча замонавий шарт-шароитларга эга бўлган мазкур аэропортда айни пайтда халқаро йўналишдаги ҳаво қатновлари амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётди. Бу халқимиз фаровонлиги, турмуш даражаси тобора юксалиб, пенсия таъминоти тақомиллашиб, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари мунтазам ошиб бораётганида намён бўлмоқда. Мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш, иқтисодий ва сиёсий соҳаларни либераллаштириш жараёнини изчил давом этмоқда.

Учрашувда «Маҳалла» хайрия жамғармаси Косонсой тумани бўлими раиси Усмоноҳ Валиев, Мингбулок туманидаги «Адолат — ҳаёт посбони» фермер хўжалиги раҳбари Адолат Бегалиева, Наманган давлат университети талабаси Комил Алихўжаев, Республика шойлининг тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали бўлим бошлиғи Элмурод Жалилов ва бошқалар юртимизда ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ривожлантириш, давлатимизнинг халқаро нуфузини ошириш, энг муҳими, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган бетакор ишлар Исом Каримов номи билан бевосита болғик эканлигини алоҳида таъкидладилар. Исом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўлмали ислохотларни бундан кейин ҳам изчил давом эттириш, келажагимиз бўлган ёшларни ҳар жиҳатдан қамол инсонлар қилиб тарбиялаш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш каби муҳим вазифаларни амалга оширишнинг ишончли кафо-

лати эканини қайд этиб, сайловчиларни Президент сайловида фаол иштироки этишга чақирдилар.

Андижон. Асака шаҳрида бўлиб ўтган учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 3-Андижон округ сайлов комиссияси раиси А. Султонов очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўлмали иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни изчил давом эттириш, демократияни мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкни камайтириш, ишлаб чиқаришга юқори технологияларни кенг жорий этиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар қамраб олинган.

Учрашувда Исом Каримов нутқ сўзлади. Амалга оширилаётган туб ислохотлар туфайли мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги тобора юксалмоқда. Пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари изчил оширилмоқда. Мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш, иқтисодий ва сиёсий соҳаларни либераллаштириш жараёнини изчил давом эттириш, энг муҳими, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган бетакор ишлар Исом Каримов номи билан бевосита болғик эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Истиқлол йилларида бутун мамлакатимиз каби Андижон вилоятида ҳам бетимсол бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, — деди Исом Каримов. Вилоят Ўзбекистонимизнинг йirik санат минтақасидир. Бу ердаги «Ўзбекистон», «Андижонкабель» сингари улкан санат корхоналари мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муҳим ўрин тутади. Вилоятда аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, ерлар ўнумдорлигини ошириш, қишлоққа санат ва сервис олиб кириш борасида, шунингдек, маданий-маърифий соҳаларда кенг қўлмали ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон халқ шоири Тулган Низоми, Андижон давлат тиллар педагогика институти талабаси Эркиноя Рўзиматова, бокс бўйича жаҳон чемпиони Уткир Ҳайдаров, Шахрихон туманидаги «Юқори Шахрихон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бутаёй Исмонов, «Асака жолоси» фермер хўжалиги раҳбари Содиқжон Турдиев учрашувда сўзга чиқиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро мисқолига нуфузини юксалтириш борасида амалга оширилган бетимсол ишлар бевосита Исом Каримов номи билан болғик эканлигини қайд этдилар. Исом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўлмали ислохотларни изчил давом эттириш, иқтисодий ривожлантириш ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш каби долзарб масалаларни амалга оширишнинг муҳим қарорли эканлигини алоҳида таъкидладилар.

**В. ЛУҚМОНОВ, И. РАЗЗОҚОВ,
А. БОБОВЕВ, С. ШУКУРОВ,
Ўза махсус мухбирлари.**

Юртимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни давом этмоқда. Президентликка номзодлар жойларда сайловчилар билан учрашмоқдалар. Ана шундай учрашувлардан бири 10 декабрь куни Қарши шаҳрида бўлиб ўтди. Унда қашқадарлик сайловчилар сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов билан учрашди.

АКМАЛ САИДОВНИНГ ҚАШҚАДАРЁЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Қашқадарё округ сайлов комиссиясининг раиси Н. Янгибоев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Бухоро вилояти адвокатлар хайъати раёсати раиси Тошўлат Сайдов йиғилганларни Акмал Саидовнинг таржimai ҳоли ҳамда дастури билан таништирди. Дастурда мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар юксак самаралар бераётгани, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш изчил давом этаётгани таъкидланган. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилиб, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, суд-ҳуқуқ тизими, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотлар ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кўчи бўлган ёшлар қамолоти йўлида салмоқли ишлар олиб боришмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод А. Саидов нутқ сўзлади. Учрашувда сўзга чиққан Қамаш туманидаги

хўқуқий маслаҳатхона мудри Махфират Шоймардонова, Қарши шаҳридаги «Қалқон» адвокатлик фирмаси ходими Улугбек Қозиев, Гузур тумани халқ таълими бўлими мудри ўринбосари Даврон Уринов, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари Бахтияр Ботиров, Қарши шаҳридаги хўқуқий маслаҳатхона мудри Мўзтабар Холитова ва бошқалар номзоднинг дастури ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь куни бўлаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўп партиявийлик ҳамда муқобиллик асосида, жумладан, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан қўрсатилган номзод иштирокчида ўтаётгани мамлакатимизда демократия тамойилларига амал қилинаётганидан, миллий сайлов тизимимиз халқаро нормаларга тўла мос келишидан яққол далолатдир.

**А. МУҲАММАДИЕВ,
Ўза мухбири.**

КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллиги муносабати билан «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тантанали маросимда 2008 йилни «Ёшлар йили» деб эълон қилди. Истиқлол йилларида ёшларга эътибор ва ғамхўрлик, навқирон авлоднинг иқтидорли ва истеъдодли вакиллари қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда устувор масалалага айланганлигини ҳар биримиз чуқур англаб, кўриб-билиб туришимиз.

(Давоми 2-бетда).



2008 йил —
ЁШЛАР ЙИЛИ

ХАЛҚИМИЗ ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУРИНИНГ МАҲСУЛИ

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 15 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Ҳар бир давлатнинг Конституцияси шу мамлакатда яшайдиган халқнинг иродаси ва руҳиятини, сиёсий онги ва маданиятини ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро мисқолига нуфузини юксалтириш борасида амалга оширилган бетимсол ишлар бевосита Исом Каримов номи билан болғик эканлигини қайд этдилар. Исом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўлмали ислохотларни изчил давом эттириш, иқтисодий ривожлантириш ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш каби долзарб масалаларни амалга оширишнинг муҳим қарорли эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Президентимиз Исом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузада айтди. Яқин ўттиришнинг бутун мураккаблиги ва кескинлиги билан ахлит ҳолда кўз олдимизга келтирсақ, мустақилликка эришилгандан кейинги дастлабки йиллар Ўзбекистон учун осон бўлмаганини, мамлакатимиз қандай оғир ва таҳликали кунларни бошдан кечирганини тасаввур этишимиз қийин эмас.

Жумладан, иқтисодий танглик ва ижтимоий муаммолар, демократия ва ошқоралик ният қоридида турли эхтирослар хатарли тус олган калтис ва таҳликали бир вазиятда, Ўзбекистон ва унинг раҳбари мамлакатимиз ва минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун сабот-машнат билан қатий кураш олиб борди.

Халқимиз Исом Каримов йўлбошчилигида миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизни кўз қорачиқидек асраб, тинч-

лигимиз ва осойишталигимизни, келажагимизни мардона химоя қилди. Давлатимизнинг мустақиллиги Конституция билан мустаҳкамланди. Асосий Қонунимиз жаҳон харитасида янги демократик давлат — Ўзбекистон Республикаси ташкил топганини хўқуқий ҳаётдан тасдиқлади. Истиқлолнинг илк давридан бошлаб, мамлакатимизда барча соҳаларни ўз ичига қамраб олган кенг қўлмали ислохотларни амалга оширишга киришилди. Мазкур жараёнда давлат ва жамият қурилишига доир ислохотларга алоҳида аҳамият қаратилди. Президентимиз раҳбарлигида ривожланган демократик давлатларга қўлланб келинаётган адолатли, инсонпарвар мезонларнинг давлатимиз бошқарувида, жамиятимиз ҳаётига татбиқ этила бошлангани туб ўзгаришларни рўбга чиқарди. Бугунги кунда бозор муносабатларига ўтишнинг жараёнда «Ўзбек модели» деб аталган беш асосий тамойил-

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинганига 15 йил тўлди

Ҳар қандай мустақил давлатнинг муҳим белгиларидан бири бу — давлат рамзларидир. Истиқлолга эришганимиздан сўнг халқимизнинг азалий орзу-истаклари, эзгу интилишлари Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларида ўзининг ифодасини топди.

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ РАМЗИ

Ўзбекистоннинг давлат рамзлари тўғрисидаги миллий қонунчиликни шакллантириш жараёни миллий давлатчилигимиз асосларининг тарихий қисмига айланди. Давлат мадҳияси — мамлакатимиз суверенитетининг рамзларидан бири. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, Давлат мадҳиясининг матни ва мусиқаси тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида шу санага бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, мадҳия матнининг муаллифи А. Орипов, адлия вазирининг биринчи ўринбосари А. Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Исом Каримов раҳбарлигида яратилган Давлат мадҳиясида халқимизнинг орзу-уmidларини ўз ифодасини топганини алоҳида таъкидладилар.

Мамлакатимиз мадҳияси (маъжур композитор М. Бурханов мусиқаси) йirik сиёсий, маданий-маърифий тadbирлар ва нуфузли спорт муسابакалари чоғида жарангайди. У тантанали маросимларга файз бағишлаб, миллионлаб юртдошларимиз қалбини фахру ифтихорга тўлдириб келмоқда.

(Давоми 3-бетда).



Ёшим 51 да. Тошкентнинг «Кичик Қозиробод» маҳалласида туғилиб, Ўсганман. Авлодимиздан менга қадар учувчи чиқмаган. Отам Ҳайдовчи эдилар. Болалгимдан авнамодель йиғишга ниқибоз бўлганман. Биринчи синфга борганимда, ўқитувчимиз «Яхши ўқисанг, олим бўласан», деганлариди. «Йўқ, мен учувчи бўламан», деб айтганман. Кеча-қундузи негадир осмонга қараб юришни яхши кўрардим. Жанубдан қанақа булут келади, шимолдан қандай шамол эсади — ҳаммасини ўзимча кузатиб юрардим.

ОСМОНСИЗ ЯШОЛМАЙМАН

Мақтабни битирдим ҳаваскор учувчилар тўғрисида катнаё бошладим. Ушунда менга кўшимчиси Семён Сагелъевич Захарин деган аjoyиб инсон яқиндан кўмак берганини то хануз унуттолмайман. Семён ака болалигимда спорт билан жиддий шуғулланган йиқилардангина яхши учувчи чиқади, деб ўқитганлари учун акробатика спортига катнаб, ўзимни чиққирганман. Астойдил, минг марталаб айланиб машқ

▼ Ифтихор

қилардим. Шу боис 18 ёшимда «Як-12» спорт самолётида Сирдарё даштларида осмонга кўтарилганимда, кувончим сизмаган. «Осмон, кучоғингда учаяпман. Мана, элладим» деб роса ҳайқирганман. Уша йили ёзда Россиянинг Челябинск об-ластидидаги Бруслан шаҳрида жойлашган учувчилар билди юртига ўқишга кирдим. Руслар,

(Давоми 2-бетда).



(Давоми 3-бетда).

ЖАҲОН 24 соат ичида Кутилмаган сафар

Якшанба кuni кечкурун Буоқ Британия Бош вазири Гордон Браун Ироқнинг Басра шаҳрига келди. «АФР» муҳбири бу ҳақда хабар тарқатар экан, сафар кутилмаганда бўлганини таъкидлайди.

Браун Басра музофотида ироқлик қўшинлар ихтиёрига топшириш маросимида иштирок этди. Ҳозирги пайтда Ироқ жанубида 5,5 минг нафар Бирлашган қуришчи аскарлари бор. Бош вазир қўшинлар сонини шу йил охиригача мингга, 2008 йилнинг урталарига келиб эса яна 2500 нафарга қисқартиришга ваъда берган.

Шартнома имзоланмади

Лиссабонда Европа Иттифоқи ва Африка Иттифоқи иккинчи саммити якунланди. Шарҳловчиларнинг таъкидлашича, тadbир жараёнида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланиши керак эди. Лекин томонлар бу масалада бир қарорга кела олишмаган.

Самоддаги тўқнашув

АҚШнинг Флорида штати осмонда иккита энгил самолёт тўқнашиб кетди. «The Scranton Times-Tribune» нашрининг хабарига қараганда, ботқоқликка кулаб тушган самолётлар бортидаги одамларнинг ҳаммаси ҳалок бўлган. Лекин ҳолоқат пайтида икки ҳаво лайнерида неча киши бўлгани ҳозирча аниқлангани йўқ.

Блок-постдаги хунрезлик

Кuni кеча Покистоннинг шимоли-ғарбидаги Сват водийсида террорчилик акти амалга оширилди. Номаълум террорчи-камикадзе миналаштирилган автомобилда полиция блок постига келиб урилди. Натижада 12 нафар киши ҳалок бўлди, ўнга яқин инсон жароҳатланди. Ҳалок бўлганларнинг уч нафари болалар, яна уч нафари полиция ходимидир.

Сохта виза сабабли

Германия Ташкилоти ишлар вазирлиги Қоҳира ва Москвадаги элчихоналарида хизмат қилаётган бир неча ходимни ишдан бўшатишга қарор қилди. «ВВС» хабарига айтилишича, улар сайёҳларга сохта визалар бериш билан шугулланган. Масалан, Қоҳирадаги элчихонадан 132 нафар, Москвадаги элчихонадан эса 1200 нафар фуқаро Германияга бориш ҳуқуқини берувчи сохта виза олишган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ РАМЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртимиз истиқболи, халқимизнинг ақл-заковати, аждодларимиз шон-шухрати ва муносиб ворислари келажакни шарафловчи бу бош қўшиқ жамиятда юксак маънавий фазилатлари камол топиришида муҳим аҳамият касб этаётди. У фуқароларни, айниқса, ўсиб келаятган ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол гоғаларига садоқат, келажакка ишонч руҳида тарбиялашга хизмат қилиб, буюк бунёдкорлик ишларида халқимизга маънавий куч бағишлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вазирликлар, идоралар вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, шоир ва адабиётшунослар иштирок этган тадбирда давлат суверенитетини ифода этишда мадҳиянинг тугган ўрни, унинг яратилиш тарихи, иқро этиш тартиби ва қоидалари ҳамда аҳамияти хусусида сўз юритилди.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА муҳбири.



САНЪАТҚОР ЁШЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Кеча Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида мамлакатимиз ва халқаро микёсда бўлиб ўтган танлов ҳамда фестивалларда совриндор бўлган ёшлар мукофотланди.

Танлов

5-халқаро ёш мусиқачилар танловининг совриндори бўлдим, — дейди Глиэр номидаги махсус мусиқа мактаби ўқувчиси Малика Анорматова. — Мусиқа сирларини кунт билан ўрганишимга кўмак бераётган барча устозларимга раҳмат.

Тантанали маросимда, шунингдек, халқ чолғулари ва анъанавий ижрочилик, рақс санъати, маком сингаги бир қатор санъат йўналишлари бўйича халқаро ва республика танловларида голиб бўлган 331 нафар ёш санъаткор диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

М. ХОЛМАТОВА.

Ўзбекистон Бадий академияси Халқаро маданият карвонсаройида жорий йил Словакия Республикасидаги халқаро болалар расмлари кўриктанлови ҳамда Ҳиндистонда ўтган «Шанкар» халқаро болалар расмлари танлови голибларини тақдирлашга бағишланган кеча бўлиб ўтди.

ЁШ РАССОМЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Ўзбекистон Бадий академияси раиси уринбосари Равшан Мирзоиев, Словакия Республикасининг юртимиздаги Факултетада ва мухтор элчиси Йозеф Мачишак ва болалар Ўзбекистонда ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, истеъдод соҳибларини аниқлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатилган ҳамкорлик ўз самараларини бераётганини таъкидлади.

Санъат

Отабоев, Қашқадарё тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатининг Дилшод Жабборов ҳамда Достон Қурбонов, Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат йўналишига ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг Мухтор Шерқулов, Феруза Алиева, Файзулло Саидмуродов, Феруза Нурқобилова, Жаҳонгир

Advertisement for 'TRUBЫ' (pipes) with technical specifications and contact information.

Advertisement for 'HIMOYA' (security) services, including legal and security aspects.

Advertisement for 'Kreditorglar diqqatiga!' (Attention creditors!) regarding debt collection services.

ТУЯМЎЙИН ГИДРОУЗЕЛИНИ ИШЛАТИШ БОШҚАРМАСИ

2008 йилда таъмир ишларини бажариш бўйича куйидаги гидротехник иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича тендер савдосини эълон қилади:

- List of technical specifications and requirements for hydroelectric power plant maintenance.

Таъмирлаш ишларининг бажарилиш мuddати — 2008 йил 31 декабргача. Буортмачи — Туямўйин гидроузелини ишлатиш бошқармаси.

Танлов савдоларида катнашиш учун талабгорлар куйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, бажармоқчи бўлган иш қийматининг камда 20 фоизи микдориди бўш айланма маблағига (захирадаги таъмирлаш учун керакли бўлган материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси, молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига, шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси бор ва ишончли бўлишлари шарт.

Тендер савдосида голиб чиққан ташкилотлар гидротехник иншоотлар Туркменистон давлати ҳудудида жойлашганлиги сабабли чегарадан ўтиш учун ушбу давлатнинг махсус рухсатномасига эга бўлишлари зарур.

Оферталарни қабул қилиш тендер савдоси ташкилотчилари томонидан куйидаги манзилда амалга оширилади: Хоразм вилояти, Питнак шаҳри. Тел./факс: (8-362) 30-54-906. E-mail: tuvamuyun@roi.uz

Тендер ҳужжатларини эълон газетада чоп этилганидан сўнг бир ой ичида сотиб олиш мумкин. Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.

ТАШКИЛОТ ИШЛАТИЛГАН КУЙДАГИ ЖИХОЗЛАРНИ НАҚД ПУЛ ЁКИ ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН СОТАДИ:

Table with 5 columns: T/p, Жихоз номи, Русуми, Сони (дона), Бошланғич нархи (сўм), Изоҳ.

Маълумот учун телефонлар: 139-18-49, 139-11-98.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ НАВОЙИ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

Очиқ аукцион савдоси 2008 йил 4 январь кuni соат 10.00 да ўтказилади.

- List of auction lots including land parcels and buildings with their respective details and locations.

Аризаларни қабул қилиш 2007 йил 2 январь кuni соат 18.00 да тўхтатилади. Ушбу мулклар Навоий вилояти «Дўстлик байроғи» газетасининг 2007 йил 30 ноябрдаги 68-сонидида эълон қилинган.

Advertisement for 'KUKALAMZORLASHIRISH KUCHATXONA' (Flower growing workshop) with details on services and contact info.

Advertisement for 'ШИНЫ' (Tires) from a Russian manufacturer, listing various models and sizes.

Advertisement for 'Электр энергиясидан фойдаланувчи корхона' (Power-using enterprise) with details on energy services.

Спорт • Sport • Спорт • Спорт • Sport • Спорт

Дилшод ва Елена Пекинга боради



Кувейтда ўқ отиш бўйича келгуси йили Хитой пойтахти Пекинда бўладиган ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи қитъа чемпионати қизгин давом этмоқда.

Аҳамиятлиси, унда ўзбекистонлик спортчилар муваффақиятли катнашапти. Мусобақаларнинг навбатдаги кунда ҳамюртларимиздан Елена Кузнецова ва Дилшод Мухторов Пекин Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритишди. Шундай қилиб, ўзбекистонлик спортчиларнинг Олимпиада йўлланмалари сони ҳозирча 24 тага етди.

Ёмғир остидаги беллашув

Пойтахтимиздаги МХСК стадионда футбол бўйича Ўзбекистон кубогининг финал учрашуви бўлиб ўтди.



Хабарингиз бор, финал-га мамлакатимизнинг икки етакчи жамоаси — «Пахтакор» ва «Курувчи» етиб келган эди. Уйиндан олдин майдалаб ёққан ёмғир аста-секин кучая борди. Албатта, бунақа ҳавода тўп суриш футболчиларга бир оз қийинчилик тугдирди. Шу сабабли учрашув анча асабий тарзда кечди. 22-дақиқада «Пахтакор» ҳужумчиси Ихероуме Уче «Курувчи» ҳимоячиси Бахтиёр Ашурматовга нисба-

тан қўпол ўйнагани учун бош ҳажам томонидан майдондан четлатилди. Иккинчи бўлимда шундай ҳаракати учун «Курувчи» ҳимоячиси Азиз Ҳайдаровга ҳам «қизил карточка» кўрсатилди. Жамоалар майдонда ўн кишидан бўлиб ўйнаган бўлишса-да, охириги дақиқаларгача кўраш қизгин давом этди. Қолаверса, бутун ўйин давомида стадионда ўн мингдан ортиқ ишқибоз уларни қўлаб-қуватлаб туришди.

Учрашувнинг асосий қисмида ҳисоб очилмади. Ҳакам томонидан белгиланган 30 дақиқалик қўшимча вақт ҳам голсиз яқунлабди. Пенальтилар сериясида 7:6 ҳисобида зафар қўчган «Пахтакор» Ўзбекистон кубоги соҳибига айланди. Финал учрашуви яқунланганча, иккала жамоа мураббийлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Миржалол КОСИМОВ — «Курувчи» жамоаси бош мураббийи: — «Пахтакор»ни галаба билан табриклайман. Уларнинг кўрдингизлар, беллашув мурасасиз кечди. Об-ҳавонинг ноқулай келганлиги жамоаларнинг ўз имкониятлари даражасида тўп суришига йўл қўймади. Биринчи лигадан чиқиб, мамлакат чемпионатида қумуш медалга соҳиби бўлиш, кубок ўйинларининг финалигача етиб бориш барча жамоа хавас қилса арзийдиган натижа, деб ҳисоблайман.

Равшан ҲАЙДАРОВ — «Пахтакор» жамоаси бош мураббийи: — Эсингизда бўлса, мавсум аввалида МДХ ва Болтиқбўйи давлатлари чемпионлиги муҳофазасига ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ислохотлар бу ерда тиббий хизматни энг юқори даражаларга кўтарди.

Футбол бўйича МДХ ва Болтиқбўйи давлатлари чемпионлари кубогининг тақвим жадвали эълон қилинди.

«Пахтакор» — Шаққиқ жамоасига қарши

Унга кўра, амалдаги чемпион — «Пахтакор» гуруҳдаги илк учрашувини 19 январь кунини ҳамюртимиз Максим Шаққиқ тўп сураётган «Динамо» (Киев, Украина) жамоасига қарши ўтказди, деб хабар беради УФФ матбуот хизмати. Юртдошларимиз гуруҳдаги иккинчи учрашувда Арманистоннинг «Бананц» (20 январь), учинчи ўйинда эса Беларусь чемпиони БАТЗ (22 январь) билан кўч синашади.

Мусобақада 16 та жамоа 4 гуруҳга бўлинган ҳолда голиблик учун курашади:

«А» гуруҳи: «Зенит» (Россия), «Ашхобода» (Туркменистон), «Шериф» (Молдова), «Левадия» (Эстония).

«В» гуруҳи: «Хазар» (Озарбойжон), «Актобе» (Қозғистон), «ФБК-Каунас» (Литва), «Регар-ТадАЗ» (Тожикистон).

«С» гуруҳи: «Вентспилс» (Латвия), «Олимпи» (Грузия), ОФК (Сербия), «Дордой-Динамо» (Қирғизистон).


«Д» гуруҳи: «Пахтакор» (Ўзбекистон), БАТЗ (Беларусь), «Динамо» (Киев, Украина), «Бананц» (Арманистон).

Гуруҳда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар чорак финалга йўл олади. Эслатиб ўтамиз, мусобақалар келаси йилнинг 19-27 январь кунлари Санкт-Петербургдаги «Петербург» спорт манежида бўлиб ўтди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.

Нуфузли халқаро «The Banker» журнали

АТ «Пахта банк»НИ



Ўзбекистоннинг 2007 йилдаги энг яхши банки, деб эътироф этди.

Шунингдек, «Пахта банк» Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари орасида «Fitch Rating» халқаро рейтинг компаниясининг

«Барқарор»

тоифасидаги тўлиқ рейтингини олган биринчи банкдир.

«Пахта банк» — бу пойтахтдан бошлаб, давлатимизнинг чекка ҳудудларигача ўзининг филиалларига эга бўлган йирик банк.

«Пахта банк» — бу 77 000 дан зиёд акциядорларга ҳамда 460 000 га яқин мижозларга хизмат кўрсатувчи ишончли ва универсал банк.

Банк хизматларида чегара йўқдир!

Сизни мижозларимиз орасида кўришдан хурсандмиз!

«ПАХТА БАНК» ФАРОВОНЛИГИНИНГ КАЛИТИДИР!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

«INTEGRAL ASIA»

17" мониторли Р4 компьютерлари Тошкентдаги омбордан 595 000 сўмдан бошлаб



Пул ўтказиш йўли билан сотилади. Тошкент ш.: «Фарғона йўли» к: 13/12, тел.: 133-10-46, 120-30-27, 120-30-28, факс: 120-30-26.

Тўлиқ сертификатланган. e-mail: sale@onlineuz.net www.integr-asia.com

Саломатлик

Хоразм вилоятида болалар саломатлиги муҳофазасига ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ислохотлар бу ерда тиббий хизматни энг юқори даражаларга кўтарди.

Юрак даридан фориғ бўлишди

— Вилоят клиник шифохонаси қон-томир жарроҳлиги маркази бундан ўн бир йил аввал ташкил этилганди, — дейди марказ раҳбари, олий тоифага юрак жарроҳи Матқарим Собиров. — Утган йили бу ерда тўғма юрак нуқсонини билан тутилган 25 нафар боланинг саломатлиги жарроҳлик йўли билан тикланди. Бу йил эса 8 нафар катта ёшдаги бемор ва 10 нафар бола даволаниб, юраги беникусон ишлайдиган бўлди. Йил охиригача эса яна 10 киши тўғма юрак нуқсонидан фориғ бўлади.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ГИПСОКАРТОН BRAUS

ТОПШИНА: 8; 9,5; 12мм. РАЗМЕР: 1,2x2,5 м. Тел.: 267-37-07, 339-14-00. Тел./факс 268-11-89 E-mail: brausboard@rambler.ru

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ахборотномасига 2008 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Ахборотнома саҳифаларида:

- Ўзбекистон Республикаси қонунари;
- Олий ҳўжалик суди пленуми ва раёсати қарорлари;
- ҳўжалик судлари суд амалиёти тафсилотлари;
- чет эл арбитраж ва республика ҳўжалик судлари тажрибаси;
- қонунийликни амалиётда қўллашга оид ётуқ ҳуқуқшунос олимлар ва судьяларнинг чиқишлари.

Обуна «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимида 908 ва 909 индекслари орқали амалга оширилади. Шунингдек, тахририят орқали арзонлаштирилган нархда тўғридан-тўғри обуна бўлишингиз мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 277-91-66, 277-96-60.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси **Савд АҲМАДИНИНГ** вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таззия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси жамоаси Комиссия аъзоси Юлчибой Турсунбаевга отан **Эргаш ота ТУРСУНБАЕВИН**нинг вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Транспортлаги ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи, полковник Аҳмадали Худайназаровга падари бузруқори **МИРЗАНАЗАР отанин**г вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор қилади.

Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази жамоаси Марказ директори Шухрат Ғофуровга акаси **Шавкат ҒОФУРОВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.

«Ўзбекэнерго» ДАК жамоаси «Энерготўғми» ОАЖ директори **Шавкат ҒОФУРОВНИНГ** вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таззия билдиради.

ГАЗ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

GAZ-3221
Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли

GAZ-31105, «ВОЛГА»

GAZ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

GAZ-32214 (4x4)
«Тез ёрдам»

GAZ-3307, 40 та
газ баллонлари ташувчи

GAZ-2705, 7 ўриндиқли
металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

GAZ-3309 Турбодизель
юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

GAZ-3307
Автовакуатор

GAZ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

ОМСКИНИНГА ОАЖ АНГОВИНАЛАРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТИЛАДИ
Тел: 300 29 59
Махсуслот сертификатланган

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРИНИ ТАҚИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУОРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».

ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустаконалар, бургулаш (бурувие), чикнда ташийдиган, мобил билбордлар, автовакуаторлар.

АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилиги ташийдиган, самосваллар.

ТУЛОВ ШАҚЛИ ТУРЛИЧА

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси — 229. Буюртма Г — 1157. 23787 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мизмақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета тахририят компьютер марказида терияли ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпнов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбидинов.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусахҳах — Х. Тошҳўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.45
Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6 8